

**БУХОРО ВОҲАСИДА МАТО ВА МАТО ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ****Ярашова Моҳларойим**<https://doi.org/10.5281/zenodo.14205760>

**Аннотация.** Уибӯ мақолада Бухоро ваҳасида қадимдан мавжуд бўлган мато турлари ва уларни тайёрлаш жараёнларининг умумий таърифи, ўрта асрларда машҳур бўлган занданича матоси, шунингдек Россия босқини даврида ҳунармандчиллик аҳволи ва бир қатор мато турлари, тикувчилик билан боғлиқ бўлган маросимлар ҳақида маълумот берилган.

**Калим сўзлар:** Занданича, этанг, таврат, сурп-бўз, ипак мато, шойи мато, бекасам, дуруя, адрас, банорас, сех.

**FABRIC AND FABRIC PRODUCTION METHODS IN THE BUKHARA OASIS**

**Abstract.** This article provides a general description of the types of fabrics that existed in the Bukhara oasis since ancient times and the processes of their production, the Zandanicha fabric, which was popular in the Middle Ages, as well as information about the state of craftsmanship during the Russian occupation and a number of types of fabrics, and rituals associated with tailoring.

**Keywords:** Zandanicha, etang, taurat, surp-boz, silk fabric, silk fabric, bekasam, duruya, adres, banoras, workshop.

**ТКАНЬ И МЕТОДЫ ИЗГОТОВЛЕНИЯ ТКАНИ В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ**

**Аннотация.** В данной статье дана общая характеристика видов тканей, существовавших в Бухарском оазисе с древнейших времен, и процессов их изготовления, популярной в средние века ткани Занданич, а также состояния мастерства в ней. период русского нашествия, а также сведения о ряде видов тканей и обрядах, связанных с шитьем.

**Ключевые слова:** Занданича, этанг, таурат, сурп-боз, шелковая ткань, шелковая ткань, bekasam, дуруя, adres, banoras, сех.

Кийим –кечаклар ва уларни тикиш учун зарур бўлган мато тайёрлаш анъанаси ҳар бир халқнинг ривожланиш даражаси ҳамда моддий ва маънавий тараққиётини кўрсатувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади. Моддий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири бўлган анъанавий кийимларнинг турлари, улар учун ишлатиладиган матолар, кайимларнинг тикилиш усуслари ва ҳатто кийиниш тарзи ҳам этнос тараққиёти ҳамда мазкур ҳудудда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва этномаданий алоқалар билан боғлиқдир.

Анъанавий кийимлардаги ўзига хослик ва умумийлик кўп жиҳатдан кийим тикишда ишлатиладиган матоларнинг турлари, мато тўқишида ишлатиладиган хом ашёлар ва уларни ишлаб чиқариш усуллари билан узвий боғлиқликда тараққий этиб боради.

Бухоро воҳаси аҳолисининг анъанавий кийим-кечаклари, миллий матолари, тақинчоқ ва безакларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни узоқ ўтмиш ва воҳа худудига ўрта асрларда этник халқларнинг жойлашувига бориб тақалади. Этник келиб чиқиши, табиий иқлим шароити, дин билан боғлиқ бўлган одоб –ахлоқ қоидалари, ёшга ва жинсга хос бўлган хусусиятлари, ижтимоий меҳнат фаолияти ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари, савдо ва ташқи маданий алоқалар, қадимий ва ўрта аср ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгариши, майший анъаналар нафақат Бухоро воҳаси, балки бутун Ўрта Осиё миллий анъанавий матолари, либослари, тақинчоқларининг шаклланиб, сайқал топишида, албатта, муҳим ўрин эгаллаган.

Бухоро воҳасида мато ишлаб чиқариш тарихи тараққиёти бир неча минг йилликни ўз ичига олади. Хусусан, ўрта аср Бухоро тарихчиси Наршахий "Бухоро тарихи" китобида Бухоро воҳасидаги мато ишлаб чиқарувчи корхона борлигини айтиб, қуидаги фикрларни баён этган:" Бухорода — ҳисор билан шаҳристон ўртасида, масжиди жоме яқинида бир корхона бор эди; унда палослар, дарпардалар, яздий кийимликлар, ёстиқ жилдлари, фундукий жойнамозлар ва уст кийимларни халифа учун тўкир эдилар; битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди.". <sup>1</sup> Наршахий фикрини давом эттириб, Бухорода ўрта асрларда машхур бўлган "занданича" матоси ҳақида :"Хуросоннинг ҳеч бир шахарида бундай (матони) тўқий олмас эдилар. Шуниси қизиқки, бу хунар эгаларидан баъзилари Хуросонга бордилар ва бу иш учун керакли асбобларни шайлаб шу кийимликтан тўқидилар, лекин Бухородагидек сифатли бўлиб чиқмади. Унинг қизил, оқ ва яшил ранглиси бўлар эди. Бугун ҳамма вилоятларда у кийимлидан кўра занданийчи машхурроқ".<sup>2</sup> деб айтади.

Бухоро ва Самарқанд газламаларининг шуҳрати тўғрисида Наршахий, Макдисий ва қатор X аср тарихчиларининг асрлари далолат беради. Уларнинг хабар беришича, маҳаллий газламалар Бағдод, Хуросон, Миср, Сурия, Византия каби шаҳарларда ишлаб чиқарилган.<sup>3</sup>

Занданийчи, Занданечи – Ўрта Осиёнинг бой безакли ипак матоси, у Фарбда энг кенг тарқалган бўлиб, машхур тўқимачилик ишлаб чиқариш маркази бўлган – Бухоро яқинидаги

<sup>1</sup> Абу Бакр Наршахий.Бухоро тарихи. Форс тилидан Расулов А. таржимаси.-Т.: "Камалак",1991,-Б.13.

<sup>2</sup> Ўша жойда, -Б.13.

<sup>3</sup> Rahmatullayeva D.Kostyum va moda tarixi.-T.: "Niso poligraf",2017,-В.172

Зандана қишлоғида ишлаб чиқарылған ва у “Занданада ишлаб чиқарылған” деган маңнори беради. Кейинчалик мамлакат бўйлаб занданийчи матоси ишлаб чиқарувчи марказлар пайдо бўлган ва ривожланган. Шундай бўлса-да, бошқа жойларда ҳам унинг асл номи сақланиб қолаверган. Археологик қазишмалар натижасида Шимолий Кавказда шунга ўхшаш мато парчалари топилган. XIV-XV асрларда Занданийчи матоси пахтадан ишлаб чиқарылгани учун ҳам харидоргир бўлган. Занданийчи матоси ўрта асрларда Фарбий Европа шаҳарларида, шу жумладан Болтиқбўйи мамлакатида фуқаролар учун энг арzon, табиий ва севимли импорт матолардан бири ҳисобланарди. XVIII асрда Россияда Ўрта Осиёдан келадиган барча матолар “Зенден” номи билан машҳур бўлган.

Сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида энг ривожланган хунармандчилик тармоқларидан бири тўкувчилик бўлган. Бу даврда Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Кўқон, Хива, Ургут, Қарши, Китоб шаҳарларида хунармандчилик тараққий этган бўлиб, уй шароитида хилма-хил сидирға ва гулдор ип, ипак ва яrim ипак, хонаки газламалар тўқиб чиқарылган.<sup>4</sup> Айниқса, бу даврда қалами, олача, сўси, чит, беқасам, жанда, банорас, адрас, атлас, шойи, баҳмал каби матоларни ишлаб чиқариш тараққий этган.

Шунингдек, шол, босма, қоқма сингари жунли матолар ҳам ишлаб чиқарылған ва бу матолардан асосан, устки кийимлар тайёрланган.

XVIII асрнинг 70-йилларида Бухорода бўлган Ф.Ефимов шаҳарда турли хил газламалар, хусусан, ипакка олтин ва кумушдан безак бериб тайёрланган йўл-йўл парча, шунингдек, атлас, баҳмал, дока, олача, бўз ва бошқа матолар тўқилгани ҳақида хабар беради.<sup>5</sup> Бу матолар ўзининг тўқилиши, эни, ранги билан бир- биридан фарқ қилиб, турли хил кўриниш касб этган. Биргина бўзниң ўзи, шрқшунос олима Р.Г.Муқминованинг кўрсатишича, 8 хил рангда – қора, кўк, сарик, чумоли ранг, гунафша ранг ва бошқа тусли бўлган.<sup>6</sup>

XIX асрда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип-газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар кирган. Хомашёнинг мўллиги ва арzonлиги Мовароуннаҳр шаҳарларида ипак тўкувчилик, бўз тўкувчилик, жун тўкувчилик ва бошқа хил матоларни тўкувчилик касб-хунарларини ривожлантириш учун қулай шартшароитни вужудга келтирди. Тўкувчиликнинг, асосан, икки тури: ҳаммабоп ип-газлама тўкувчилиги ва нисбатан қимматроқ ипак тўкувчилиги кўпроқ тараққий этган.

<sup>4</sup> Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари:анъанавийлик ва замонавийлик.-Т.:”Янги аср авлоди”,2006.-Б.33.

<sup>5</sup> Агзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 17.

<sup>6</sup> Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. - Т.: Фан. 1976. - С. 48.

Ип-газлама матоларни тўқиши билан, асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиши билан эркаклар шуғулланишган.

Ип газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил бўлган. Айниқса оқ, жигарранг, сарик тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларнинг қўйлаклари хом суруп, сидирға чит, содда тўқилган, қалами деб номланган ип газламадан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато-олачалар кўпроқ қишлоқ тўқувчилари томонидан тўқилиб, чопон тикишда ишлатилган.<sup>7</sup>

XIX аср ўрталарида кўплаб шаҳарлар (Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Марғилон ва бошқалар)да миллий ўзига хос ва юқори сифатли газламаларнинг турли хиллари ишлаб чиқарилган. Бизнинг мамлакатимиз ва ундан ташқарида оғир яrim ипак газламалар – бекасам, банорас ва адрес; аёллар кийими учун енгил ва юпқа ипак мато – шойи, рангларининг мутаносиблиги бўйича жуда ажойиб абрли газламалар машхур. Бухоронинг абрли газламаларида асосан учта ранг – тўқ қизил, сарик ва пушти ранглардан фойдаланилган.<sup>8</sup>

Тикувчилик ва тўқувчилик ишлари билан асосан аёллар шуғулланишган. Бухоро воҳаси худудида ушбу касблар билан алоқадор диний маросимлар ҳам ўтказилган. Булар орасида диний маросимлар энг аввал шаклланган. Масалан, Бибисешанба ва Биби Мушкулкушодларга бағишлаб ўтказиладиган маросимлар шулар жумласидандир.

Бибисешанба тикувчилик ва тўқувчилик билан шуғулланадиган аёлларнинг руҳий мададкори сифатида талқин қилинади. Бибисешанбага ишонч тожик мифологияси таъсирида ўзбек мифологиясига кўчган.<sup>9</sup>

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бухорода қадим даврлардан тортиб то ҳозирги кунга қадар мато ишлаб чиқариш ва унга ишлов соҳаси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Турли хилдаги матоларни ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш фаолияти ҳунармандларнинг асосий машғулотларидан бири эди.

<sup>7</sup> Нурбоев Х.Р, Гиясова Д.Р. Мутахассисликка кириш, ўқув кўлланма.-Т.: 2017.-Б.33.

<sup>8</sup>Rahmatullayeva D.Kostyum va moda tarixi.-T.: "Niso poligraf",2017,-B.172.

<sup>9</sup> Safarov O,O'rayeva D, Qurbonova M. O'zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori,-T.: "O'qituvchi",2007,-B.113.

**REFERENCES**

1. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. - Т.: Фан. 1976.
2. Абу Бақр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан Расулов А.Таржимаси.- Т.:”Камалак”,1991.
3. Ўзбекистон ҳалқлари тарихи. 2 жилд. -Т,: “Фан”, 1993.
4. Агзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари:анъанавийлик ва замонавийлик.- Т.:”Янги аср авлоди”,2006.
6. Safarov O,O’rayeva D, Qurbanova M. O’zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori,- Т.:”O’qituvchi”,2007.
7. Дониёров А,Бўриев О,Аширов А.Марказий Осиё ҳалқлари этнографияси, этногнези ва этник тарихи.-Т.:”Янги нашр”,2011
8. Rahmatullayeva D.Kostyum va moda tarixi.-Т.: ”Niso poligraf”,2017.